

Хуфёна иқтисодиёт

➤ Расмий иқтисодиёт мамлакатнинг амал қилувчи қонунлар асосидаги иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланади ва унинг фаолияти мавжуд давлат институтлари ёрдамида ҳисобга олинади, назорат қилинади ва тартибга солинади.

➤ Хуфёна иқтисодиёт ҳукуматнинг расмий идораларидан яширинча ҳолатда, ҳатто жиноий ёки ноқонуний равишда яширинча даромад олишга қаратилган ноқонуний, сохта, ҳисобга олинмаган, ғаразли фаолиятдир. Хуфёна иқтисодиёт товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш соҳасида қонунга хилоф равишда амалга оширилувчи, давлат томонидан ҳисобга олинмайдиган ва назорат қилиш мураккаб бўлган ва шу билан бир қаторда давлат идораларидан яширинча давлат, хусусий ва бошқа мулк шаклларида фойдаланиш борасида амалга оширилувчи ғаразли мақсадларни кўзлаган фаолиятдир.

Хуфёна иқтисодиёт субъектларининг уч асосий гуруҳга бўлишимиз мумкин

1. Ақлий ва жисмоний меҳнат қилувчи ёлланма ходимлар, даромадларининг асосий қисмини пора ташкил этувчи майда давлат хизматчилари.
2. Хуфёна фаолият олиб боровчи тадбиркорлар, тижоратчилар, майда ва ўрта тадбиркорлар, шу жумладан савдогарлар.
3. Қурол-яроғ, гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчи жиноий унсурлар. Йўлтўсарлар, босқинчилар, ёлланма қотиллар, қўшмачилар, фоҳишалар, ҳукумат идораларининг коррупциялашган вакиллари.

Хуфёна иқтисодиётнинг иқтисодий фаолият соҳалари бўйича таснифланиши



**Хуфёна
иқтисодиётнинг
корхоналар буйича
ифодаланиши**

- корхонани яшириш (рўйхатдан ўтказмасдан ёки лицензия олмасдан хўжалик фаолиятини амалга ошириш);
- хўжалик операцияларини яшириш (уларни шартнома ва ҳисоботларда акс эттирмаслик);
- ишчи кучини яширин равишда йўллаш (ишчи кучини меҳнат шартномаларини расмийлаштирмасдан ёллаш);
- меҳнат шароитлари тўғрисидаги маълумотларни (иш ҳақи, пенсия ва суғурта тўловлари, техника хавфсизлиги, иш вақти ва бошқ.) бузиб кўрсатиш;
- даромадларни яшириш (солиқ тўлашдан қочиш).

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари

- турли банкларда бир неча ҳисоб рақамларини очиб, улар орқали бухгалтерия ҳисобида тўлиқ кўрсатилмаган ҳолда пул операцияларини амалга ошириш;
 - траст, вексел ва бошқа ҳисоблардан фойдаланиш;
 - “иккиёқлама бухгалтерия” юритиш, нақд пуллар билан муомала қилиш, шу орқали даромад ва пул тушумларини солиқдан яшириш;
- корхонани бир шаҳар, туманда рўйхатдан ўтказиш, аммо ҳисоб рақамини бошқа шаҳар, тумандаги банкларда очиш орқали солиқ тўлашдан корхона рўйхатга олинган жойда ва фаолият юритган жойида ҳам қочади, яъни бўйин товлайди;
 - ҳисобга олинмаган харажатлар ҳисобига сотилаётган маҳсулот (хизмат, ишлар)нинг таннархини ошириб кўрсатиш;
 - расмий ҳисоб ва тўлов ҳужжатларида томонларнинг келишувига асосан бажарилган иш (кўрсатилган хизматлар) қиймати паст нархларда кўрсатилади, унинг қолган қисми нақд пул шаклида ўзаро тақсимлаб олинади.

Хуфёна иқтисодий фаолиятининг тарқалиш омиллари

- 1) ортиқча солиқ юки;
- 2) хўжалик фаолиятини тартибга солишда бюрократик тўсиқларнинг ҳаддан ташқари кўплиги;
- 3) иқтисодиётда давлат сектори улушининг катталиги.
- 4) иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида халқаро иқтисодий алоқаларга фаол киришган, иқтисодиёти бирмунча эркин ва молия тизими сушт назорат қилинадиган мамлакатларда хуфёна иқтисодий фаолият кўламлари катта бўлади.

Xyfyona iqtisodiyotning tarqalish oqibatlari

Iqtisodiy

Soliq budget sohasida keltirilgan zararlar

Makroiqtisodiy siyosatning samaradorligini pastligi

Ishlab chiqarishni pasayishi

Bozor mexanizmlari samaradorligini pasayishi

Iqtisodiyot tuzilmasi deformatsiyasi

Pul kredit sohasidagi keltirilgan zararlar

Ijtimoiy

Ijtimoiy loyihalarni moliyalashtirishni kamayishi

Ijtimoiy soha degradatsiyasi

Aholining asosiy qismining daromadlarini pasayishi

Daromadlar bo'yicha aholining tabaqalashuvi

Ijtimoiy ziddiyatlarni keskinlashuvi

Ishlayotganlarning huquqlarini kamsitilishi

Siyosiy

Korrupsiyani resurs taminotini kuchayishi

Siyosiy hayotda yashirin tuzilmalarning rolini oshishi

Hokimiyatga ishonchni pasayishi

Mamlakatning obrosini pasayishi

Mamlakatni iqtisodiy zolatsiyalashuv tahdidlar

Mamlakatni siyosiy izolatsiyalashuv tahdidlar

Хуфёна иқтисодиётга қарши кураш йўналишлари

- Ноқонуний бизнес ва тадбиркорликнинг олдини олиш ҳамда барҳам бериш.
- Ёлғон тадбиркорликка қарши кураш.
- Жиноий йўллар билан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши таъсир механизмини яратиш.
- Ёлғон банкротликка қарши қонунчиликда белгиланган жавобгарликни янада ошириш.
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашларига қарши чора-тадбирларни, жазо чораларини қўллаш.

Хуфёна фаолиятга давлат томонидан таъсир этиш усуллари

- монетар усул.
- даромад ва харажатлар баланси усули. Бунда декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси ҳамда товар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади;
- иш билан бандликнинг таҳлили;
- технологик коэффициентлар усули. Бу усул харажатларнинг технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари тўғрисида маълумотлар олиш имконини беради;
- уй хўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари орасида сўровлар ўтказиш. Бу хуфёна сектор ҳажмини эксперт баҳолаш имконини беради.

Мажмуали чора тадбирлар

Тузилмавий тадбирларга боғлиқ мажмуали чора тадбирлар

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмасига тузилмавий ўзгаришлар киритиш.
Хусусан,

Молия вазирлиги ташкилий тузилмасига:
1. Молия разведкаси департаментини ташкил этиш.

Давлат Солиқ қўмитаси таркибий тузилмасига :

1. Солиқ полициясини ташкил этиш.

Ҳукумат даражасидан энг қуйи бошқарув даражасигача:

1. Иқтисодиётни рақамлаштиришни жадаллаштириш



Комплаенс-назоратни ривожлантириш орқали коррупцияга қарши кураш

Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

KtoNaNovenkogo.ru

COMPLIANCE



Комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу хизмат энг кенг тарқалган қуйидаги иккита модели қўлланилади:

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга қаратилади. Бунда комплаенс хизматини жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади.

2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларни баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базел банк қўмитасининг тавсиялари, Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланади ва бу моделда комплаенс хизматнинг мақоми, вазифаси, фаолият доираси асосан халқаро стандарт ва тавсияларга асосланади.





Давлатимизнинг коррупцияга қарши қонунчилигида комплаенс назорат тизими амалиётининг кириб келиши Ўзбекистон Республикаси 27.05.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармонида ушбу соҳада белгиланган асосий вазифалардан бири этиб, устав жамғармасида давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотларда қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини тизимли мониторингини амалга ошириш вазифаси белгиланди.

Ушбу норматив ҳужжатлар илк бор комплаенс назорат тизимини миллий даражада жорий этиш масаласи белгиланган.

